

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
MUQIMIY NOMIDAGI QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA
INSTITUTI**

TABIIYOT VA GEOGRAFIYA FAKUL'TETI

“Himoyaga ruxsat etilsin”
Fakul'tet dekani
_____k.f.n.Maqsudov M.
“__” _____ 2012 y.

5140500 “Geografiya va iqtisodiy bilim asoslari” ta'lim yo'nalishi

IV kurs Yoqubova Dildoraning

***“Ishlab chiqarishni yangilash va modernizatsiya qilish
jarayonida maxsulot tannarhini pasaytirish yo'llari va hisobini
tashkil etish”***

mavzusidagi

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Ilmiy rahbar: i.f.n. Babayeva N

“Himoyaga tavsiya etilsin”
“Geografiya va iqtisodiy
bilim asoslari kafedrası
mudiri, i.f.n.
_____Babayeva N
“__” _____ 2012 yil

Qo'qon-2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I - БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	6
1§ Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари. 6	
2§ Маҳсулот таннархи, унинг турлари ҳисоблаш ва пасайтириш усуллари	15
3§ Инқирозга қарши чора - тадбирлар дастури доирасида иқтисодиёт - нинг реал сектори корхоналарида маҳсулот таннарҳини пасайтириш чоралари.....	38
II – БОБ КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИ МАВЗУСИДАГИ ДАРСНИ ЎҚИТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ.	43
1 § “Ҳўжалик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили” мавзусини КХКда ўқитишнинг кичик модулли универсал технологиялардан фойдаланиш усуллари.....	43
2§ Ўрта маҳсус КХК ўқувчилари учун кичик модулли универсал технология намунаси.....	47
Хулоса.....	67
Адабиётлар.....	70
Иловалар.....	73

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожланиши корхоналарнинг самарали ишлашини таъминлашда қабул қилинаётган бошқариш қарорларини изчиллигини ва жавобгарлигини янада оширади. Корхонани ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва бошқа соҳаларидаги хўжалик фаолияти натижалари унга таъсир этаётган турли омилларнинг ўзаро боғлиқлигига ва натижавий кўрсаткичга таъсирига боғлиқ равишда ўзгаради. Бу омилларнинг таъсири ва ўзаро таъсири боғланиш кучи, характери, вақти, шунингдек келиб чиқиш шарт-шароитлари бўйича турличадир. Бу омилларнинг таъсир йўналишини, фаоллигини ва таъсир вақтини ўрганмай туриб корхонани самарали бошқаришни амалга ошириб бўлмайди. Бу ишни сифатли бошқариш эса фақатгина бозор муносабатлари талабига жавоб берувчи хўжалик фаолиятини ҳар томонлама таҳлил этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, у ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда эркин рақобатнинг ҳукм суришига асос бўлади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир корхона ва фирманинг яшовчанлигини, ўзини ўзи таъминлаш заруриятини туғдиради.

Корхоналарнинг иқтисодиётини юксалтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш учун ҳар бир корхонада, унинг бўлимларида моддий техника воситалари ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш, маблағларни эҳтиёт қилиш, тежаб-тергаб сарфлаш ва ҳали фойдаланилмай келган имкониятларни топиб уларни ишга солиш лозим.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган ҳамда бугунги кундаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кечаётган бир шароитда мамлакатда рақобатбардош маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун мамлакатда истеъмолчилар эҳтиёжини кондира оладиган арзон ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш лозимдир. Бунда

асосий кўриладиган масалардан бири маҳсулот таннархини ўрганиб уни имкон қадар пасайтиришдан иборат.

Зеро, жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган ҳолда Президентимиз **«мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади»¹**, деб белгилаб бердилар.

Шунингдек, Президентимиз иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар айниқса дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Ўзбекистонда ҳам молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқироzi оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;

- иқтисодиётда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Ўзбек миллий автомагистрали» лойиҳасини, яъни 4 қаторли халқаро автомобиль йўли қурилишини амалга ошириш;

- кичик бизнес ва тадбиркорликни, айнан янги ташкил қилинаётган кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб-қувватлаш;

- маҳаллийлаштириш дастурига асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдорини 3,1 баробарга ва шу борадаги лойиҳалар сонини 3,5 баробарга ошириш ва ҳоказо.

Ўз моҳиятига кўра ушбу чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилиши жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини пасайтиради ва барқарор ривожланиш учун қулай шарт-шароит ва имкониятларни яратади.

Корхоналарда маҳсулот таннархи ҳисоби Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМга мувофиқ амалга оширилади.

I - БОБ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ АСОСЛАРИ

1§. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган ҳамда бугунги кундаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кечаётган бир шароитда мамлакатда рақобатбардош маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун мамлакатда истеъмолчилар эҳтиёжини кондираладиган арзон ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш лозимдир. Бунда асосий кўриладиган масалардан бири маҳсулот таннархини ўрганиб уни имкон қадар пасайтиришдан иборат.

Маҳсулот таннархи – шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган барча бевосита ва билвосита харажатларнинг қиймат ифодасидир. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархи – маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий воситалар, меҳнат ресурслари, ва бошқа харажатларнинг қиймат баҳоси.

Корхоналарда маҳсулот таннархи ҳисоби Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМга мувофиқ амалга оширилади.

Маҳсулот таннархи таркибига қўйидаги харажатлар киритилади. Бу харажатлар корхона маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашиб маҳсулот таннархини шакллантиради:

- Моддий харажатлар;
- Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- Ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- Амартизация харажатлари;

- Бошқа харажатлар.

Моддий харажатлар – ишлаб чиқаришнинг асосий харажатларидан бири бўлиб, маҳсулот (иш, хизмат) ларга қараб жами ишлаб чиқариш харажатларининг 60-80 % атрофида бўлиши мумкин. Моддий харажатлар ўз ичига ҳам ашё ва материалларга қилинган харажатларни ўз ичига олади. Ҳам ашё ва материалларга қилинган харажатлар дейилганда, маҳсулот сотиб олгандан то корхонага олиб келгунга қадар барча комиссия ва воситачилик харажатлар тушунилади.

Моддий харажатларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Технологик мақсадлар ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган ёқилғи ва энергия харажатлари;
- Ярим тайёр маҳсулотларни сотиб олиниши;
- Маҳсулотга тара ва упаковка учун харажатлар;
- Арзон ва тез эскирувчан инвентарларнинг эскириши;
- Табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ солиқлар ва ажратмалар;
- Ички ишлаб чиқариш билан боғлиқ брақдан йўқотишлар;
- Ишлаб чиқариш жараёнида хизмат қиладиган транспорт харажатлари;
- Ишлаб чиқаришда иштирок этадиган бошқа бошқа харажатлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари – бу корхонанинг асосий ишлаб чиқариш жараёнида катнашувчи ишчи ва ходимлар меҳнат ҳақлари, жумладан рағбатлантирувчи ва компенсацион тўловлар учун харажатлардир.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Лавозимдаги оклади, тариф ставкаларига мувофиқ аниқ бажарилган ишлар учун тўловлар;
- Ишчиларга маҳлум бир тартибда берилган маҳсулот қиймати;
- Ишлаб чиқариш натижалари учун окладга қўшимча мукофот ва устамалар;

- Ишчиларга текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ овқат, уй-жой ҳақини тўлаш учун харажатлар;
- Ишчиларга тўланадиган бошқа кўринишдаги харажатлар.

Маҳсулот таннархи шаклланишида таъсир этувчи харажатлардан бири **ижтимоий суғурта фондига ажратма** ҳисобланади. Бу ажратма корхонада шаклланадиган иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланади. Корхонада қанча иш ҳақи фонди шаклланса, шу суммага нисбатан 25 фоиз ажратилади. Бунда 25%дан 24,8 % и давлат пенсия фондига ўтказилади, 0,1%и бандлик фондига, қолган 0,1 %и касаба уюшмалари фондига ўтказилади. Умуман олганда бу 25% ли ажратма давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиб туришда ҳамда давлат пенсия фондини шакллантиришда фойдаланилади. Иш ҳақи фонди ишчиларга меҳнат ҳақи тўлаш учун шакллансада, лекин унга қўшимча тарзда корхонанинг ўзи бу фондга нисбатан ижтимоий суғурта фондига ажратма тўлашга мажбурдир. Шунинг учун амалиётда корхоналар ишчиларга иш ҳақи ҳисоблашда албатта бу ажратмани ҳам ҳисобга олади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига кирувчи бошқа харажатлар. Бу харажатларга корхона мулкани мажбурий суғурта қилиш, белгиланган тартибдаги сафар харажатлари, кадрлар тайёрлаш бўйича харажатлар, алоқа хизматлари учун тўловлар, брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар, ёнғиндан сақлаш ва қўриқлаш харажатлари, ижара харажатлари ва бошқа барча ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар.

Миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш бирликлари (корхона) ўз фаолияти натижаларидан кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай корхона нафақат ўзининг товарини анча юқори баҳоларда сотишга, балки маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишга қилинадиган сарф-харажатларни камайтиришга ҳам интилади.

Товарларни сотиш баҳолари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва тайёр товарларни сотиш жараёнларини ташкил


килиш самарадорлиги даражасига боғлиқ. Лекин ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун маълум сарф харажатлар талаб этилади.

Ишлаб чиқариш сарф-харажатлари деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар тушунилади.

Ишлаб чиқариш сарф –харажатлари таркибига ҳам ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия учун қилинган харажатлар, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар, физик тўловлари ва бошқа харажатлар қиради. Ишлаб чиқаришга қилинган барча сарф-харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннарҳини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин: бевосита ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари. Ишлаб чиқариш харажатлари деганда маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш учун қилинадиган барча сарфлар (иш ҳақи, ҳам ашё ва минерал сарфлари, амортизация ва ҳ.к) тушунилади. Товар бирлигининг қийматида ишлаб чиқариш харажатлари фақат унинг бир қисмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш харажатлари товар қийматидан фойда миқдорига ҳам. Муомала харажатлари тушунчаси товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шу товарларни ишлаб чиқарувчидан олиб, истеъмолчига етказилгунча кетадиган сарфларга айтилади. Улар икки гуруҳга бўлинади: қўшимча муомала харажатлари ва соф муомала харажатлари. Товарларни ўраш, қадоқлаш, саралаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш харажатлари қўшимча муомала харажатлари ҳисобланади. Муомала харажатларининг бу турлари ишлаб чиқариш харажатларига яқин туриб, товар қийматига қиради ва унинг қийматини оширади. Харажатлар товарлар сотилгандан кейин олинган пул тушум суммасидан қопланади.

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ харажатлар²



1-расм

1-расмда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда муомала харажатлари ва уларнинг таркибини кўришимиз мумкин. Демак бунда ишлаб чиқариш харажатларига юқорида такидлаганимиздек хом ашё материаллари, ёкилғи ва мойлаш харажатлари, иш ҳақи харажатлари, амортизация харажатлари, амортизация ҳамда бошқа харажатлар киритилган. Муомала харажатлари давр харажатлари ҳам деб аталади. Соф муомала харажатлари (сотувчи маоши ва бошқалар), маркетинг (истеъмолчилик талабини ўрганиш) реклама ва шу каби харажатлардан иборат бўлади. Соф муомала харажатлари товар қийматини оширмайди ва ишлаб чиқариш жараёнида яратилган товарни сотгандан кейин олинган фойда ҳисобидан қопланади.

Ҳозирги замон сарф-харажатлар ғояси бўйича корхона ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладигон ресурслар ўз ресурслари ёки жалб қилинган ресурслар бўлиши мумкин. Шунга кўра харажатлар ички ёки ташки харажатларга бўлинади. Ташки харажатлар корхона ўзи учун зарур ресурс ва хизматларга тўловларни амалга ошириши натижасида вужудга келадиган

² Бланк И.А. “Финансовый менеджмент”, Киев – Ника-Центр – 2004 , 25-стр.

харажатлардир. Бундай харажатларга ёлланма ишчилар иш хақи, хом ашё ва материаллар учун тўловлар, кредит учун фоиз тўловлари, ижарага олинган ер учун рента, транспорт хизмати ва бошқа ҳар хил хизматлар учун тўловлар киради. Ташқи харажатлар тўлов ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, шу сабали бухгалтерия харажатлари деб ҳам аталади.

Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслар фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ички харажатлар дейилади. Бундай харажатлар пул тўловлари шаклида чиқмайди. Шу сабали ички харажатлар даражасини баҳолаш ўз ресурслари кийматини шунга ўхшаш ресурсларнинг бозор баҳоларига таққослаш орқали амалга оширилади.

2-чизма

Ишлаб чиқариш харажатларининг ички ва ташқи харажатларга ажратилиши³



2-расм

³ Карасева И.М. «Финансовый менеджмент» : учеб. пособие, – Москва- Омега-2006. 75-стр

Мазкур корхона доирасида тадбиркорлик фаолиятини ушлаб туриш учун зарур бўлган тўлов-нормал (меъёридаги) фойда ҳам, рента ва иш ҳақи билан бирга харажатларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Сарф харажатлар ички ва ташқи харажатларга ажратиш, корхона иктисодий фаолияти самарадорлигини ошириш йулларини киёсий тахлил килиш имкониятини беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқлик даражасига қараб доимий ва ўзгарувчи харажатлар ҳам фарқланади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига (қисқариш ёки ортиши) боғлиқ булмаган товарларнинг ҳажмига таъсир этмайдиган харажатлар доимий харажатлар дейилади.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди, унинг ўсишига ҳам бевосита таъсир этмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай, ҳатто нолинчи ҳажмида ҳам мавжуд бўлади. Бунга корхонанинг тўлов мажбуриятлари (заёмлар бўйича фоиз ва бошқа), солиқлар, амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, кўриқлаш хизматига тўлов, ускуналарга хизмат кўрсатиш сарфлари, бошқарув ходимлари маоши ва шу кабилар киради.

Ўзгарувчи харажатлар ишлаб чиқариладиган товар миқдорини ошишига ёки камайишига таъсир қилади ва ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқликда ўзгаради. Унга хом ашё, материал, ёнилги-транспорт хизмати, ишчилар иш ҳақи ва шу кабиларга қилинадиган сарфлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси умумий ёки ялпи харажатларни ташкил қилади

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган сарф харажатларни ҳисоблаш учун ўртача умумий, ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчан харажатлар тушунчаларидан фойдаланади.

Ўртача умумий харажатлар ялпи (умумий) харажатларнинг ишлаб чиқарилган товар миқдorigа нисбатига тенг. Ўртача доимий харажатлар доимий харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа бўлиш йули

билан аниқланади. Ўртача ўзгарувчан харажатлар ўзгарвчи харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа бўлиш йули билан аниқланади.

Энг юқори даражада фойда олишга эришиш учун товар ишлаб чиқаришнинг зарур миқдорини аниқлаш зарур. Бунда иқтисодий таҳлил воситаси бўлиб қўшимча харажат тушунчаси хизмат қилади. Аввало қўшимча харажат деб, кейинги қушилган маҳсулотларнинг ҳар битта бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ қўшимча харажатларга айтилади. Қўшимча харажатларни ҳар бир навбатдаги чиқарилган қўшимча маҳсулот бирлиги учун аниқлаш мумкин.


Корхона фойдаланадиган кўплаб ресурслар миқдори, яъни жонли меҳнат, хом-ашё, ёнилғи ва энергия сарфлари товар ҳажмининг ўзгаришига тез ва осон таъсир қилади. Бошқа ресурслар сарфи таъсирида товар ҳажми ўзгариши учун узок вақт талаб қилинади. Масалан, оғир саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш қувватлари анча узок вақт оралиғида маҳсулот миқдорини ўзгартиришига таъсир қилиши мумкин. Демак, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга вақт омили, яъни харажат килинган пировард натижаси олингунча ўтган давр сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли вақт омилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқа ва узок муддатли даврда алоҳида таҳлил қилинади.

Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш учун қисқа муддатли даврда фақат ўзининг ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириши мумкин. Бу қисқа муддатли харажатлардир.


Ишлаб чиқариш қувватлари эса (ишлаб чиқариш иншоатлари майдони, машина ва ускуналар миқдори) доимий бўлиб қолади, ҳамда бу давр фақат улардан фойдаланиш даражасини ўзгартириш учун етарли бўлиши мумкин.

Узок муддатли давр – бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ҳам ўз ичига олган, бугун банд бўлган ресурслари миқдорини ўзгартириш учун етарли бўлган даврдир. Бу давр давомида бошқа тармоқлар фаолият қилиб турган корхоналар мазкур тармоққа кириб келиши мумкин.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгариши тақозо килинган қисқа ва узоқ муддатли давр давомийлиги айрим тармоқ ва корхона хусусиятидан келиб чиқиб фарқланиш мумкин. Масалан, енгил саноат тармоғида кийим кечак ишлаб чиқарадиган кичкина фирма, бир неча қўшимча тикув машина ўрнатиш билан ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини қисқа вақтда (бир неча кунда) ошириш мумкин. Оғир саноат тармоқларида янги қувватларни ишга тушириш учун бир неча йил талаб килинади. Оқибат натижасида барча харажат турлари ўзгаради ва ўзгарувчи микдорлар бўлиб қолади.



3-расм



4-расм. Харажатларнинг туркумланиши

2§. Маҳсулот таннархи, унинг турлари ҳисоблаш ва пасайтириш усуллари.

Таннархда корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг сифат кўрсаткичлари - ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, ишлаб чиқариш технологияси ва меҳнатни ташкил этиш даражаси, корхонани тежамкорлик билан ва оқилона юритиш омиллари, маҳсулот ишлаб чиқаришни юксалтириш шароитлари ўз аксини топади.

Маҳсулот таннархини ҳисоблашдан кўзда тутилган асосий мақсад - уни ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий харажатларни тегишли ҳужжатларда ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли акс эттириш ҳамда моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамкорлик асосида, оқилона фойдаланиш устидан назорат ўрнатишдир.

Маҳсулот таннархи корхона харажатлари тушунчасидан фарқ қилади. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа молиявий-хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган барча харажатлари маҳсулот таннархига киритилмайди. Маҳсулотнинг (ишнинг, хизматнинг) ишлаб чиқариш таннархига уни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли:

- бевосита моддий харажатлар;
- бевосита меҳнат харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга билвосита устама харажатлар. Бу харажатларнинг кўпчилигини натурада, яъни дона, кг, метр ва бошқа кўринишларда ҳисобга олиб бориш ва режалаштириш мумкин. Аммо маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган барча харажатларни биргаликда ҳисобга олиш учун уларни ягона ўлчов бирлигига - қиймат-пул кўринишига келтириш талаб этилади.

Айрим турдаги ишлаб чиқариш харажатларини яратилаётган маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри киритиш мумкин. Унга ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақи ва истеъмол қилинган моддий ресурслар сарфини киритиш мумкин. Бундай харажат турлари бевосита ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади.

Иккинчи бир харажат турлари бир неча хил маҳсулот етиштириш жараёнида иштирок этиши туфайли (масалан, бир неча хил экинларга ўғит

ташиган трактор амортизацияси) уларга кетган харажатларни шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги иштирокига мутаносиб тақсимлашга тўғри келади. Бундай харажатлар билвосита ишлаб чиқариш харажатлари ёки ишлаб чиқаришга тегишли устама харажатлар деб юритилади.

1-жадвал

Маҳсулот таннархининг бевосита ва билвосита харажатлари таркиби

Харажат моддалари	Маҳсулот таннархига олиб борилиши жиҳатидан	
	бевосита	билвосита (устама)
Хомашё ва асосий материаллар (қайта кириш қилинган чиқитлардан ташқари)	+	
Сотиб олинган бутловчи қисмлар ва ярим фабрикатлар	+	
Ишлаб чиқариш характеридаги иш ва хизматлар		+
Технологик мақсадлар учун ишлатилган ёқилғи энергия	+	
Ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	+	
Ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий суғуртага ажратмалар	+	
Моддий қийматликлар камомоди ва маҳсулотларнинг бузилишидан кўрилган зарарлар	+	
Асосий воситалар амортизацияси		+
Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар		+

Маҳсулот таннархи бир турдаги маҳсулотни бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатларини шу маҳсулот миқдорига бўлиш орқали топилади:

$$MT = MX + IX + CT + A + BIX / M$$

Бу ерда:

MT - маҳсулот таннархи, сўм / дона, сўм / кг ва бошқа;

MX - ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари, сўм;

IX - ишлаб чиқариш хусусиятидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, сўм;

CT - ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта тўловлари, сўм;

A - асосий воситалар амортизацияси, сўм;

BIX - бошқа ишлаб чиқариш харажатлари, сўм;

M - маҳсулот миқдори, центнер, дона, кг, тонна ва ҳакозо.

Корхонада режадаги (бизнес-режада белгиланган) ва ҳақиқий (ҳисобот бўйича ҳақиқатда эришилган) таннарх ҳисоблаб борилиши мумкин. Бу режалаштирилган ишлаб чиқариш харажатларини ҳақиқатда эришилган даража билан солиштириш, ортиқча моддий ва меҳнат ресурслари сарфларига йўл қўйилган ёки тежамга эришилганини аниқлаш ва келгусида тегишли хулосалар чиқаришга имкон беради.

Режадаги таннарх корхонанинг мавжуд техник, технологик ва кадрлар салоҳияти доирасида маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланиши эҳтимоли бўлган харажатларнинг кутилаётган максимал даражасини акс эттиради. Режадаги таннарх моддий ресурсларни сарфлаш меъёрлари асосида ҳисобланади.

Ҳақиқий таннарх корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ҳақиқатда сарфланган бевосита ишлаб чиқариш харажатларини ташкил этади. Ҳақиқий таннарх режадаги таннархдан фарқ қилиши мумкин. Агар у режадаги таннархдан юқори бўлса, ишлаб чиқариш самардорлигининг пасайишидан паст бўлса, капитал, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш натижаларини акс эттиради. Маҳсулот таннархини ҳисоблашда фақат шу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади. Маҳсулотни сотиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ умумкорхона харажатлари маҳсулот таннархига киритилмай давр харажатларига ҳисобига киритилади.


Маҳсулот таннархини аниқлашда ҳисоблаш объектларини билиш муҳимдир. Унга қилинган харажатларни алоҳида ҳисобга олиш мумкин бўлмаганлигидан, умумий ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш объектлари бўйича тўғри тақсимлаш муҳимдир.

Маҳсулот таннархига киритиладиган ишлаб иқариш харажатлари харажат **элементлари** ва **моддалари** бўйича гуруҳларга ажратилади. Бундай гуруҳлаш:

- режалаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг моддий ва меҳнат сарфларига эҳтиёжни аниқлаш;
- харажатларни иқтисодий мазмунига кўра тақсимлаш;
- умумий ишлаб чиқариш харажатлари миқдорида у ёки бу харажат элементларининг улушини аниқлаш имконин беради.

Масалан, бухгалтерия ҳисобида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар иқтисодий мазмуни ва умумийлик хусусиятларига кўра қуйидаги **элементларга** ажратилади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар.



5-расм. Саноат корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблаш моддалари

Иқтисодий ҳисоб-китобларда маҳсулот таннархини режалаштириш ва ҳисоблашда харажатларни **ҳисоблаш моддалари** бўйича гуруҳлаш қабул

қилинган. Саноат корхоналаридан **маҳсулот таннархини ҳисоблаш моддалари** қуйидагилардан ташкил топади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажат **элементлари** ва **ҳисоблаш моддалари** орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд.

2-жадвал

Маҳсулот таннархини ҳосил қилувчи харажат элементлари ва ҳисоблаш моддаларининг ўзаро боғлиқлиги

Ҳисоблаш моддалари	Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари	Ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	Ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий суғуртага ажратмалар	Асосий воситалар амортизацияси	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари
Хомашё ва асосий материаллар (қайта қилинган қикитлардан ташқари)					
Сотиб олинган бутловчи қисмлар ва ярим фабрикатлар		N			
Ишлаб чиқариш харажатидаги иш ва хизматлар	+				
Технологик мақсадлар учун ишлатилган ёқилғи ва энергия					
Ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари					

Ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий суғуртага ажратмалар					
Асосий воситалар ам-оргизацияси				+	
Моддий қимматликлар камомади ва маҳсулотларнинг бузилишидан кўрилган зарарлар					
Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар					+

"Хомашё ва асосий материаллар" моддасида маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинadиган хомашё ва материаллар, шунингдек бир маромдаги технология жараёнини таъминлаш, маҳсулотларни ўраш ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган), харид қилинадиган материаллар ўз аксини топади.

Маҳсулот таннархига киритиладиган хомашё ва материаллар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати ва идиш, ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кириш қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.

"Сотиб олинган бутловчи қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар" моддасида келгусида корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов берилadиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳисобга олинади.

"Ишлаб чиқариш характеридаги иш ва хизматлар" моддасига ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек корхонанинг ички бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга ишлар ва хизматлар киради.

Унга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хомашё ва материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган хомашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Корхона ичида ташқи субъектларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, инструментлар, деталлар, юкларнинг бошқа турларини омбордан цехга келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга ташиш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга хизматларга тегишли бўлади.

Корхонанинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага киради) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлари амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).

"Технологик мақсадлар учун ишлатилган ёқилғи ва энергия" моддасида технологик мақсадлар, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқариш, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия акс эттирилади.

"Ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари" га корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакл ва усулларига мувофик

кўлланиладиган тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган:

- ишлаб чиқариш хусусиятидаги амалда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

- касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар;

- иш тартиби ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан, тунги сменада. Ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

- кўп смени тартибда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

- ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

- кўрилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажаришган ходимлар учун ишнинг кўчма ва катнов хусусияти учун устама;

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солиниши, шу жумладан, район коэффицентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффицентлар билан белгилаган тўловлар;

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (йиллик) ва қўшимча таътиллер, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллер учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

- мажбурий таътилдаги ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда ҳақ тўлаш;

- давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш;

- корхона штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб корxonанинг ўзи томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради;

- белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

"Ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий суғуртага ажратмалари" моддасида қонун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар, нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий тиббий суғурта ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар акс эттирилади.

"Асосий воситалар амортизацияси"га асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар бўйича дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация

ажратмалар суммаси (лизинг бўйича ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам) киради.

“Асосий воситалар амортизацияси” сақлаш ва ишлатишга ҳамда корхона томонидан амалга оширилган жорий, оралиқ ва мукаммал таъмирлашга тегишли;

- асосий воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақи;

- уларнинг иш ҳақидан ижтимоий ажратмалар қилиш;

- ёнилғи-мойлаш материалларига қилинган харажатлар;

- асосий воситаларни барча турдаги таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари;

- таъмирлашда иштирок этган ишчи ва мутахассислар иш ҳақи ва иш ҳақидан ижтимоий ажратмалар;

- асосий воситаларни таъминлашга сарфланган эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари ва бошқа материаллар, таъмирлаш ва ундан сўнг синаб кўриш чоғида сарфланган ёнилғи-мойлаш материаллари қиймати таннархни ҳисоблашнинг тегишли моддаларида (хомашё ва асосий материаллар, сотиб олинган бутловчи қисмлар ва ярим фабрикатлар, технологик мақсадлар учун ишлатилган ёқилғи ва энергия, ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий суғурта ажратмалар) ҳисобга олинади.

“Моддий қимматликлар камомади ва маҳсулотларнинг бузилишидан кўрилган зарарлар” да ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш меъёрлари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши ҳисобга олинади.

"Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар" моддасида қуйидагилардан ташкил топади:

- ишлаб чиқаришни хомашё, материаллари, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

- четдан жалб этилган корхоналар томонидан амалга оширилган корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукамал тузатиш харажатлари);

- ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;

- ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча атроф-муҳитга чиқарганлик учун тўловлар;

- ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ меҳнатнинг нормал шароитлари ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари;

- ходимларга текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, текин бериладиган жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси);

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, формали кийим-бош, махсус овқатлар) ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзли суммаси;

- ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли хизмат сафарларига юбориш бўйича меъёрлар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар;

- ишлаб чиқаришдаги ишчилари ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари;

- кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

- маҳсулотни (хизматларни) мажбурий сертификация қилиш харажатлари;

- ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар;

- ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар;

- ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар.

Корхонанинг қайси тармоққа мансублигидан келиб чиқиб, маҳсулот таннархини ҳисоблаш моддалари фарқ қилади. Масалан, қишлоқ хўжалигида таннархни ҳисоблаш моддалари қуйидагича туркумланади:

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот танархини ҳисоблашнинг **"Ишлаб чиқаришга оид меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари"**, **"Ишлаб чиқаришга оид ижтимоий суғурта ажратмалари"** ва **"Асосий воситалар амортизацияси"** моддаларидан ташқари бошқа моддалари таркиби саноат корхоналари маҳсулоти таннархини ҳисоблаш моддаларидан фарқ қилади.

"Минерал ва органик ўғитлар" моддасида экинларга солинган минерал ва органик ўғитлар қиймати ҳисобга олинади. Бунда корхонанинг ўзида мавжуд органик ўғитлар (гўнг ва бошқа) уларни ишлаб чиқариш таннархида, четдан сотиб олинганлари эса сотиб олиш баҳосида ҳисобга олинади.

Харажатларнинг моддалар бўйича гурухланиши

Ишлаб чиқаришга оид меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари

Ишлаб чиқаришга оид ижтимоий суғурта ажратмалари

Минерал ва органик ўғитлар

Ўсимликлар ва чорва молларини химоялаш воситалари

Ем-хашак ва озуқа

Уруғлик кўчат материаллари

Қайта ишлаш учун хомашё

Асосий воситалар амортизацияси

Иш ва хизматлар

Чорва молларининг нобуд бўлишидан йўқотишлар

Бошқа харажатлар

6-расм. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархини ҳисоблаш бўйича харажат моддалари

Ушбу ўғитларни экинларга солиш (транспортга юклаш, ташиш, тушириш, сепиш ва бошқалар) бу моддада акс этмай, тегишли моддалар бўйича (меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий воситаларни сақлаш, иш ва хизматлар ва бошқа) ҳисобга олинади.

"Ўсимликлар ва чорва молларини ҳимоялаш воситалари" моддасида экинлар ва чорва молларини касалликлар, зараркунандалардан ҳимоялаш ва бегона ўтлардан тозалашда ишлатиладиган воситалар: гербицидлар, пестицидлар, дефолиантлар, кимёвий ва биологик воситалар, биопрепаратлар, тиббий ва дезинфекция воситалари ҳамда бошқа ҳимоя воситаларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ўз аксини топади.

Ушбу ҳимоя воситалари билан экинларга ишлов бериш харажатлари (сепиш, чанглатиш, дефоляция қилиш ва бошқалар) бу моддада акс этмай, тегишли моддалар бўйича (меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий воситаларни сақлаш, иш ва хизматлар ва бошқа) ҳисобга олинади. Чорвачиликда бу моддага биопрепаратлар. Тиббий ва дезинфекция воситаларини ишлатиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ҳисобга олинади.

"Ем-хашак ва озуқа" моддасида чорва молларини озиклантиришда ишлатилган корхонанинг ўзида етиштирилган ҳамда четдан сотиб олинган ем-хашак ва бошқа озуқа турлари қиймати ўз аксини топади. Бунда озуқаларни корхона ичида даладан омборга, омбордан молларга бериш жойига ташиш харажатлари, шунингдек уларни озуқага тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар ушбу моддада акс этмай тегишли моддаларда (меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий воситаларни сақлаш, иш ва хизматлар ва бошқа) ҳисобга олинади.

"Уруғлик ва кўчат материаллари" моддасида ўзида ишлаб чиқарилган ҳамда сотиб олинган экиш учун мўлжалланган уруғлик ва кўчатлар ҳисобга олинади. Бунда корхонанинг ўзида етиштирилган уруғлик ва кўчатлар уларни ишлаб чиқариш таннархи, четдан сотиб олинганлари эса сотиб олиш баҳосида ҳисобга олинади. Ушбу уруғлик ва кўчатларни экишга тайёрлаш (транспортга юклаш, ташиш, тушириш, экиш ва бошқалар) бу моддада акс этмай, тегишли моддалар бўйича (меҳнатга ҳақ тўлаш, асосий воситаларни сақлаш, иш ва хизматлар ва бошқа) ҳисобга олинади.

"Қайта ишлаш учун хомашё" моддасида корхонанинг ёрдамчи тармоқларида маҳсулотларни қайта ишлашда ишлатилган ва яратилаётган маҳсулотнинг асоси ёки таркибий қисмларидан бирини ташкил этадиган хомашё ва материаллар сарфи ўз аксини топади:

- аралаш озуқа (комбикорма) тайёрлашда - дон, дон аралашмаси, ўт уни, суяк уни ва бошқа микро ва минерал қўшимчалар қиймати;

- тегирмонда - буғдой қиймати;

- сабзавот ва меваларни қайта ишлашда - сабзавотлар, мевалар, турли хил қўшимча ва консервантлар қиймати;

- қассобхонада - сўйиладиган чорва моллари қиймати;

- сут маҳсулотлари тайёрлашда - сут, сут маҳсулотлари, шакар, ванилин, ачитқи ва бошқа қўшимчалар қиймати.

"Асосий воситаларни сақлаш" моддасида айнан шу экин ёки чорва моллари турига тақсимланадиган, асосий воситаларнинг баланс қийматидан келиб чиқиб ўрнатилган меъёردа ҳисобланадиган амортизация ажратмалари ҳисобга олинади.

Ўсимликчилик тармоғида ишлатиладиган асосий воситаларни сақлаш харажатлари алоҳида экин турлари маҳсулотлари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш турлари таннархига қуйидаги тартибда қўшилади:

- тор ихтисослашувдаги асосий воситаларники (масалан, шоли ўрувчи комбайнлар ва пахта териш машиналари) - бевосита шу экин маҳсулотлари таннархи;
- тракторларники - улар томонидан экин турлари бўйича ишлов ҳажмига (шартли эталон гектарда) мутаносиб равишда;
- тупроққа ишлов берувчи машиналарники - экин турлари бўйича экилган майдон ҳажмига мутаносиб равишда;
- экиш агрегатлариники - экин турлари бўйича экилган майдон ҳажмига мутаносиб равишда;
- хосилни ўриб-йиғувчи комбайнларники - экин турлари бўйича ишлов берилган майдон ҳажмига мутаносиб равишда;
- минерал ўғит солувчи машиналарники - экинларга солинган ўғитларнинг физик ҳажмига мутаносиб равишда;

- бир неча турдаги чорва моллари жойлаштирган биноларники - ҳар бир чорва моли турининг бинода эгаллаган жойи ҳажмига (метр квадратда) мутаносиб равишда;

- бир турдаги чорва моллари жойлашштирган биноларники - тўғридан - тўғри шу чорва моллари таннархига олиб борилади;

- маҳсулотларни сақлаш омборлариники - ҳар бир маҳсулот турининг омборда эгаллаган майдони ҳажмига мутаносиб равишда.

"Иш ва хизматлар" моддасида корхонага бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган ишлаб чиқариш характеридаги иш ва хизматлар учун ҳақ тўлаш харажатлари, шунингдек корхонанинг ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари бажарган иш ва хизматларнинг харажатлари акс эттирилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаларига от-арава, юк автотранспорти, тракторлар томонидан бажариладиган юк ташиш ишлари, таъмирлаш устахонаси, маҳсулотларни қайта ишлаш бўлинмалари (тегирмон, мойжувос, сабзавот ва меваларни қайта ишлаш цехлари, озуқа тайёрлаш цехи) ва бошқалар киритилади.

Маҳсулотни қайта ишловчи ёрдамчи бўлинмаларнинг технологик жараёнларни (хомашёни ювиш, қайнатиш, шарбат ва намакоб тайёрлаш, қовуриш, қиздириш, майдалаш, қуриштириш ва ҳоказо) таъминлашга сарфлайдиган ёқилғи, электр, газ, сув, шунингдек маҳсулотни музлаткичлар ва бошқа тарзда сақлаш харажатлари ҳам ушбу моддада акс эттирилади.

Бу моддага ташқи субъектлар томонидан қишлоқ хўжалиги ишларини (ер ҳайдаш, ерни экишга тайёрлаш, экинларни экиш, тупроққа ишлов бериш, ўғит солиш, кимёвий ҳимоя воситалари билан ишлов бериш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш, омборларга ташиш, ветеринария ва зоотехника хизматларин кўрсатиш ва

бошқа) бажариш, турли хизматлар кўрсатиш, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни моддий ресурслар, сув, газ, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш харажатлари ҳам киритилади.

"Чорва молларининг нобуд бўлишидан йўқотишлар" моддасида ўсувдаги ва маҳсулдор чорва моллари, парранда, иш ҳайвонлари, асалариларнинг нобуд бўлишидан кўриладиган йўқотишлар (айбдорладан удириладиган ва табиий офатлар натижасида нобуд бўлганлардан ташқари) акс эттирилади.

"Бошқа харажатлар" моддасига юқорида келтирилган моддаларда акс этмаган, аммо ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган қуйдаги бошқа харажатлар киритилади:

- ишлаб чиқаришни хомашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

- четдан жалб этилган корхоналар томонидан амалга оширилган корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукаммал тузатиш харажатлари);


- ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;


- ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ меҳнатнинг нормал шароитлари ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари;

- ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар;

- ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар;
- экинлар, чорва моллари ва ишлаб чиқариш воситаларини мажбурий суғурталаш харажатлари;
- ёнғинга қарши, экинзорлар, асосий воситаларни қўриқлаш харажатлари;
- ишчиларга бепул бериладиган махсус кийим - бош (халат, куртка, этик, фартук ва бошқа), озиқ - овқат харажатлари;
- молларнинг тагини қуруқлашга сепиладиган сомон, қиринди ва бошқа материал харажатлари;
- фермалар атрофини девор билан ўраш, чорва моллари учун ёзги соябон ва отарлар қуриш харажатлари;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бошқа харажатлар.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш билан бирга, автотранспорт, тракторлар ва ишчи ҳайвонлар томонидан бажарилган ишлар таннархи ҳам ҳисобланади. Бунда автотранспорт бажарган иш тонна - километрда, ҳайдов тракторлари бажарган иш шартли эталон - гектарда, отларники от - кунда ҳисобга олинади. Шунингдек, бир гектар ердаги бир маҳсулот турини ишлаб чиқариш таннархи, бир бош чорва молини парваришлаш таннархи ҳам ҳисобланиши мумкин.





7-расм. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш кетма-кетлиги

Ҳар бир корхона учун маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини излаб топиш иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Чунки, маҳсулот таннархи қанчалик арзон бўлса, шунчалик корхона оладиган фойда миқдори ошиб боради.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган ресурслар ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари иш ва хизматлари нархларининг тез суръатлар билан ошиб борганлиги маҳсулотлар таннархининг ҳам қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу вазият аксарият ҳолларда кичик тадбиркорлик корхоналари етиштираётган маҳсулотларни зарар билан сотишига сабаб бўлади. Шунинг учун кучли рақобатга асосланган муносабатлари шароитида кичик тадбиркорлик корхоналари олдида маҳсулот таннархини ҳар томонлама пасайтириш йўллари излаб топиш вазифаси туради.

Маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:


- ишлаб чиқаришга юқори унумли, ишончли ва арзон ишлаб чиқариш воситаларини жорий этиш;
- асосий айланма фондлардан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг материал сиғимини камайтириш ва тежамкорликка эришиш;
- машина ва техникаларнинг кунлик ва йиллик иш унумини кўтариш;
- ресурсларни тежовчи ва чиқитсиз технологиялардан кенг фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларида фойдаланиш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- маҳсулотлар сифатини ошириш ва нобудгарчилик, йўқотишларга йўл қўймаслик;
- қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва бошқалар.

3§ Инқирозга қарши чора - тадбирлар дастури доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида маҳсулот таннарҳини пасайтириш чоралари

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамызда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди (8-расм).

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари



8-расм.

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.


Бугунги кунда республикамыз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг қўламда амалга оширилиши

рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархнинг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Ушбу вазифани амалга ошириш доирасида мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди (9-расм).

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари



9-расм.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий


тажрибалар ўтказиб кўрилди. Жумладан, Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини 20% га камайтириш бўйича 2008 йил декабрь ойида ўтказилган амалий тажриба орқали таннархни оптималлаштиришнинг қуйидаги усуллари қўлланилди:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш (-24%);
- материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриб чиқиш (-0,06%);
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш (-1%);
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш (-0,05%);
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш (-2%);
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш (-0,3).

Умумий ҳолда Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини оптималлаштириш орқали тракторлар таннархини 17% га, прицеплар таннархини 22% га пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди⁴ (10-расм).

Шунингдек, ҳозирда таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмни ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини пасайтириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар




10-расм

⁴ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинарлари материаллари, 14 январь– 1 февраль 2009 йил.

Шу билан бирга, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чиқилган (11-расм).

Энергия ресурслари ва коммунал хизматларга нархлар (тарифлар) динамикаси, олдинги йилга нисбатан, фоизда



11-расм

Масаланинг яна бир муҳим томони - мазкур соҳалардаги нархлар даражасини тартибга солиш билан бир қаторда, уларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлашни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Юқорида айтиб ўтилган чора – тадбирлар натижасида 2009 йил мобайнида sanoat тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ва тармоқларда 20-25 фоизга камайди. Жумладан, республикада иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижаларни қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (3-жадвал).

**2009 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб
чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган
натижалар**

Комплекслар номи	Маҳсулот таннархининг пасайиши	
	млрд. сўмда	фоизда
Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати комплекси	1156,3	21,9
Машиносозлик, электротехника ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартизациялаштириш комплекси	156,2	18,5
Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси комплекси	458,8	21,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси	295,1	20,0
Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза комплекси	13,1	20,2
Республика бўйича жами	2079,5	20,38

Жадвалдан кўринадикки, 2009 йилда республикамиз бўйича маҳсулотлар таннархини 2079,5 млрд. сўмга ёки 20,38 фоизга қисқартиришга эришилган.

II – БОБ ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИ МАВЗУСИДАГИ ДАРСНИ ЎҚИТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ.

1 § “Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили” мавзусини КХКда ўқитишнинг кичик модулли универсал технологиялардан фойдаланиш усуллари.

Мустақил Ўзбекистон республикасини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш амалга оширилаётган ҳозирги шароитда содир бўлаётган туб иқтисодий ислохотларни, бозор иқтисодиётига ўтиш қонуниятларини билишни тақозо қилмоқда. Иқтисодий қонунларнинг талаблари ва амал қилиш хусусиятлари билан ҳисоблашмай туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди. Иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни билишда иқтисодий фанларнинг аҳамиятли роли ўсиб бормоқда. Чунки улар жамиятнинг манбасини, ишлаб чиқариш сир – асрорларини, иқтисодий қонуниятлар ва категорияларнинг туб моҳиятларини очиқ беради.

Ҳозирги кунда ҳар бир жамият аъзосининг олдида иқтисодиёт қонуниятлари, уларнинг Ўзбекистон республикасида қандай амалга оширилаётганини, бу қонуниятларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни, пировард натижада талаб даражасида ҳизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг сирларини билиб олиш каби вазифалар турибди.

Ўзбекистон республикасининг келажақда буюк давлат бўлиши кўп жиҳатдан ҳозирги кунда таълим – тарбия олаётган ёшларга боғлиқ. Улар онгига ҳамма хилдаги тарбияни сингдириш билан бир қаторда, иқтисодий тарбияни қўшиб олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда иқтисодий тарбиянинг қўйидаги муҳим вазифаларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- биринчидан, жамият ҳар бир аъзосининг муқаддас бурчи ва шарафли иши бўлган меҳнатга онгли ва ижодий муносабатни тарбиялаш;
- Иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун қоидаларини тезда ўзлаштириб, ўз кундалик иш фаолиятларига тадбиқ этишни шакллантириш;
- Учинчидан, бу тарбия ишчиларни ижтимоий ташаббускорликни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни, коҳонани бошқаришда иштирок этишига кўмаклашади;
- Тўртинчидан, жамият аъзоларида ўз кичик бизнесларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик, ишбилармонлик каби ҳислатларни шакллантиради;
- Бешинчидан, энг муҳими бу тарбиянинг вазифаси барчи ишчи – ҳизматчиларда ўз Мустақил Республикасининг масъулиятли аъзоси ҳамда ишлаб чиқариш жабҳасининг хўжайини туйғусини мустаҳкамлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Кейинги ўн йиллар ичида яратилган, педагогикага бағишланган адабиётларда «Педагогик технология», «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология» каби тушунчалар кўп учраб тургани билан уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи хали тузилмаган.

Республикамизнинг педагог олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар.

Бу ерда, нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди, деган савол пайдо булиши мумкин. Жамиятимизга қанчадан-қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган педагогика услублари мавжуд-ку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мафкуралаштирилган жойларини ўзгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса булмайдами?- деган мулохазалар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан мана шу йулдан бормоқда. Бу йўл иложсизликдан излаб топилган бўлиб, қисқа муддат хизмат қилиши мумкин. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узок хизмат қилолмайди. Чунки:

биринчидан, маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан ортда қолиб кетган жамиятимиз тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланишнинг зарурлиги;

иккинчидан, анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «Ахборотли ўқитиш» сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги;

учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

туртинчидан, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа мажмуавий ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

Педагогик технология юқорида санаб ўтилган бешта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутуди.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуби бўлибгина қолмай, ижтимоий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши лозим.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда педагогик технологиясини яратиш лозим.

Бугунги кунда янгича фикрлайдиган, мамлакат равнақига ҳисса қўша оладиган, тадбиркорликнинг сир асрсорларини эгаллаган ёшларни шакллантириш энг муҳим масалалардан биридир. Бунинг учун ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш лозим. Бу вазифани бажаришга киришишдан олдин нафақат анъанавий педагогик усуллардан фойдаланиб дарсни ташкил этиш, балки дунё тажрибасига ҳам назар ташлаш, улардан ўзимизга мақбулларини олиб, миллий педагогикамизга мослаштириш орқали дарсларни янада қизиқарли ўтиш, талабаларни мустақил ўқув жараёнига жалб этиш, уларнинг ўзаро ҳамкорликда ўқишларини таъминлаш, талабаларда команда бўлиб ишлай билиш қобилиятини ривожлантириш, рақобатбардош гуруҳдан фақатгина ўз билимлари ва гуруҳ аъзоларининг ўзаро аҳиллиги ва маданиятлилиги

билангина ғалиб чиқишлари мумкинлигини уқтириш лозимлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Маҳсулот таннархи, уни ҳисоблаш ва пасайтириш, таннарх таҳлили масалалари ўрта маҳсус касб – ҳунар коллежларининг бухгалтерия ҳисоби таълим йўналиши талабалари учун ўз мутахассислик фанлари бўлган “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳўжалик фаолияти таҳлили” фанида ўрганилади.

“Бухгалтерия ҳисоби ва ҳўжалик фаолияти таҳлили” фани бўйича ўтиладиган **“Ҳўжалик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили”** мавзусини замонавий педагогик технологиялар ёрдамида ўқитиш жараёнини тавсифлаймиз.

2§ Ўрта маҳсус КХК ўқувчилари учун кичик модулли универсал технология намунаси.

(маъруза– 4 соат, семинар – 4 соат)

7.1. Маърузада таълим бериш технологиясининг модели

Талабалар сони: 30-35 гача	Вақт: 4 соат
Ўқув машғулоти шакли	Тематик визуал маъруза
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари. 2. Маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари. 3. Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йўллари.
Ўқув машғулотининг мақсади	Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий моҳияти, уларнинг турлари ва ўзига хосликлари ҳақида тўлиқ тасаввурни шакллантириш, маҳсулот таннархи тушунчаси билан таништириш.
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементларини тушунтириш; • Маҳсулот таннархи тушунчасини ва уни ҳисоблаш усулларини ёритиб бериш; • Маҳсулот таннархини камайтиришнинг омилларини кўрсатиб ўтади. 	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳиятини, таркиби ва элементларини тушунтириб беради; • Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг асосий усулларини очиб беради; • Маҳсулот таннархини камайтиришнинг омилларини тавсифлайдилар;
Ўқитиш усуллари	Маъруза, блиц-сўров, ақлий ҳужум.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, фронтал, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, компьютер технологиялари, маркерлар, скотч, график органайзерлар
Ўқитиш шартлари	Гуруҳ бўлиб ишлашга мўлжалланган техник жиҳатдан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, ёзма назорат: савол ва топшириқларга жавоблар

«Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили» маъруза машғулотининг технологик харитаси


Ишлар босқичи, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Мавзунинг эълон қилади, ўрганиш жараёнининг мақсади ва ундан кутилаётган натижалар, ўқув машғулотининг режаси билан таништирилади.</p> <p>1.2. Ҳар бир талабага таянч конспект сифатида материал тарқатади (1-илова). Таянч конспектдан фойдаланиш бўйича талабаларга оғзаки йўриқнома беради.</p> <p>1.3. Экранга таянч конспектнинг биринчи варағини чиқаради ва уни шарҳлаб беради.</p> <p>1.4. Мавзунинг охирида ўтилган материаллар бўйича тест бўлиши ҳақида айтиб ўтади.</p>	Эшитадилар, саволлар берадилар
2 босқич Асосий (135 дақиқа)	<p>2.1. Режанинг 1-3 саволлари бўйича маъруза ўқийди ва маърузани экранда кўрсатиб борилаётган визуал материаллар билан мустаҳкамлаб боради диққатни жамлайдиган саволлар тизимидан фойдаланиб боради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ишлаб чиқариш харажатлари нима? - Ишлаб чиқариш харажатларининг қандай кўринишларини биласиз? - Маҳсулот таннархи нима? <p>Мазмунни очиб беради, шарҳлайди. Таянч конспектларга қўшимча ахборотларни ёзиб боришни тавсия этади (асосий тушунчаларни айтиб ёздирди).</p> <p>2.2. Ақлий ҳужум усули орқали қуйидаги саволга жавоб беришни таклиф этади: <i>Кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш харажатларини бошқаришнинг моҳияти нимадан иборат?</i></p> <p>2.3. Ақлий ҳужум яқунлангандан кейин талабаларни 3 гуруҳга бўлади ва</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Ўзларининг таянч конспектларини тўлдириб борадилар.</p> <p>Ўз мулоҳазаларини айтиб борадилар.</p> <p>3 гуруҳга бўлинади. Топшириқ билан</p>

	<p>топширик беради: берилган мавзу бўйича категориал жадвални тузинг (2 илова).</p> <p>2.4. Ҳар бир гуруҳга олинган ахборот қисмларини категориялар бўйича бирлаштиришни ва категориал жадвал тузишни таклиф этади. Категориал умумлаштириш ўтказиш қоидаларини экранга чиқаради (3-илова). Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (4-илова).</p> <p>2.5. Тақдимотнинг бошланишини эълон қилади. Гуруҳларга категориал жадвални тўлдириб боришни таклиф қилади.</p> <p>2.6. Таҳлил қилади, жадвални тўлдиради, яқуний вариантни консепт қилишни таклиф этади.</p>	<p>танишади.</p> <p>Гуруҳларда ишлайдилар. Лидерлар ўз гуруҳлари аъзоларидан тушаётган ғоя-фикрларни катта вараққа ёзиб борадилар.</p> <p>Гуруҳ лидерлари коғозларни доскага иладилар. Бошқа гуруҳлар аъзолари жадвални тўлдириб, қўшимча қилиб борадилар. Жадвални дафтарга кўчирадилар.</p>
<p>3 босқич</p> <p>Яқунловчи</p> <p>(10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзунинг учта саволи бўйича умумлаштирувчи хулосалар қилади, талабалар эътиборини асосий жиҳатларга жамлайди.</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун топширик беради (5-илова).</p>	<p>Топшириқларни ёзиб оладилар</p>

1-илова (7.1)

Визуал материаллар

Ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг турлари



2-илова (7.2)



3-илова (7.3)

Ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари таҳлили

Харажатлар (сарфлар) бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сонига (ҳажмига) кўпайтириш орқали аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатлари =	бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар	X	ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони
-----------------------------	---	---	-----------------------------------

4-илова (7.4)



5-илова (7.5)

Рақиблар ишлаб чиқариш харажатларинг таққослама таҳлили


Ишлаб чиқариш харажатларинг таркиби		Рақиб корхонага таққослагандаги фарқлар (абсолют ўзгаришлар)		
		А	В	С
Тури	Маҳсулот қийматида % да			
Материаллар	22	-0.5	+1,0	
Иш ҳақи	8	-0,5	+10	
Ижтимоий харажатлар	7	-0,3	+0,5	
Умумий харажатлар	16	-0,5	+0,8	
Асбоб-ускуналар	17	+1,0	-1,5	

Қувватларнинг юкланганлиги	0,7	0,6	0,77	
Ишлаб чиқариш меъёрлари	1	0,9	1,1	
Тақсимот харажатлари	8	-0,4	+1,0	
Харидорлар учун сервис	4	-	+0	-0,9
ИТваТКИ	3	-0,5	+2,5	+0,4
<i>Ўтказувни молиялаштириш</i>	3	-0,5	-0,5	+2,5
Бошқариш	6	+0,5	+2,0	+1,5
Ўтказув қолдиғи	2	+0,2	-1,0	-2,0
Умумий харажатлар	96	-12,5	+11,9	+15,1
	4	+9,5	-15,9	-19,1
Солиқ тўлашгача бўлган фойда				
Солиқ (70%)	+2,8		4,8	7,8
Солиқ тўлашдан кейинги фойда	1,2	+9,5	-11,1	-11,5
Доимий харажатларнинг улуши	80%	70%	80%	80%

Изоҳ: «+» - рақиблар харажатларидаги устунликлар;

«-» - рақибларнинг ортикча харажатлари

6-илова (7.6)



7-илова (7.7)

Категориал шарҳини ўтказиш учун мавзулар

1- гуруҳ

Ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг турларини категориал жадвал орқали шарҳини ўтказиб беринг

2- гуруҳ

Маҳсулот таннархини ҳисоблаш усулларини категориал жадвал орқали шарҳини ўтказиб беринг

3- гуруҳ

Маҳсулот таннархини камайтирадиган омилларини категориал жадвал орқали шарҳини ўтказиб беринг

Категориал шарҳини ўтказиш қоидалари

1. Гуруҳда «ақлий хужум» ўтказинг ва ушбу мавзу бўйича барча тушунчаларни ёзинг.
2. Олинган маълумотларни маълум бир белгилар асосида бирлаштирадиган энг умумий ғоя/категорияларни топинг.
3. Категорияларни қоғоз листга ёзинг ва мос категориялар бўйича ўтказилган ақлий хужум вақтида олинган ахборотларни тақсимланг.
4. Тақсимот вақтида у ёки бу категориянинг номини ўзгартириш ёки янгисини кўшиш мумкин.
5. Категориялар жадвални тузинг.

Мавзу	Типлар/ турлар/ ўзига хосликлар/ сифат			
	1-чи	2-чи	3-чи	n-чи
Категориялар/белгилар				

Гуруҳлар ишини баҳолашнинг кўрсаткичлари ва мезонлари жадвали

Гуруҳ	Жадвал тўғри тузилган (0,8)	Фаол, аниқ жавоб (0,6)	Хулоса яхши шакллантирилган, умумлаштирилган (0,6)	Балларнинг умумий йиғиндиси (2,0)	БАҲО
1					
2					
3					

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар ишини берилган мезонлар асосида баллар қўйиб баҳолаб боради. Гуруҳ томонидан олинган баҳо гуруҳ ҳар бир аъзосининг баҳосини белгилаб беради: 1,5 – 2 балл - «аъло»; 1,0 – 1,4 – «яхши»; 0,5 – 0,9 балл – «қониқарли»; 0,5 баллдан кам – «ёмон».

Тест саволлари:

1. Ишлаб чиқариш харажатлари деганда нима тушунилади:

- а) Маҳсулот ишлаб чиқарувчиси томонидан амалга ошириладиган моддий ва пул ресурсларининг сарфи;
- б) Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун жамият томонидан амалга ошириладиган моддий ва пул ресурсларининг сарфи;
- в) Фирма хом ашё, материаллар, ёқилғи сотиб олганда, иш кучини ёллаганда сарфлайдиган пул харажатлари.
- г) Ўзининг ва мустақил фойдаланадиган ресурсларнинг сарфлари.

2. Ички харажатлар ўзида қуйидагиларни акс эттиради:

- а) Ишлаб чиқарувчи маҳсулотни ишлаб чиқариш вақтида сарфлайдиган моддий харажатлар ва пул маблағлари сарфлари;
- б) Маҳсулотни ишлаб чиқариш вақтида жамият сарфлайдиган моддий харажатлар ва пул маблағлари сарфлари;
- в) Фирма хом ашё, материаллар, ёқилғи сотиб олганда, иш кучини ёллаганда сарфлайдиган пул харажатлари.
- г) Ўзининг ва мустақил фойдаланадиган ресурсларнинг сарфлари.

3. Тадбиркорни ўз соҳасида қолишини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- а) Тадбиркорлик фаолиятига солиқларни камайтириш керак;
- б) Тадбиркорнинг «нормал фойда» олишини таъминлаш керак;
- в) Тадбиркорга ишлаб чиқариш харажатларининг қопланишини таъминлаб бериш керак;
- г) Тадбиркорга хўжалик юретишнинг мустақил шарт-шароитларини қилиб бериш керак.

4. Маҳсулотни телевидение орқали реклама қилиш харажатлари қопланади:

- а) Ишлаб чиқарувчининг фойдасидан;
- б) Савдо корхонасининг фойдасидан;

- в) Товар қийматининг оширилишидан;
г) Товар баҳосига савдо устамаси қўйишдан.

5. Узоқ муддатли давр учун қандай шароитларда қуйидаги ҳолат бўлиши мумкин:

- а) Доимий харажатлар ўзгарувчан харажатларга айланади;
б) Ўзгарувчи харажатлар ошиб бора бошлайди;
в) Доимий харажатлар нолга тенг;
г) Доимий харажатлар ўзгарувчи харажатлардан катта;
д) Ялпи харажатлар аниқ бўлмаган харажатлардир.

7.2. Семинар машғулотида таълим бериш технологиясининг модели

Талабалар: 15-25 гача	Вақт: 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича семинар
Семинарда муҳокама қилинадиган саволлар	Мавзу мазмуни бўйича билимларни чуқурлаштириш: - ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти. - харажатларни ҳисоблаш тартиби ва унинг элементлари. - маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари. - маҳсулот таннархини камайтириш йўллари. 2. Билим орттиришга хизмат қиладиган топшириқларни шакллантириш. 3. Гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш. 4. Натижалар тақдимоти, уларни муҳокама қилиш ва баҳолаш.
Ўқув машғулотининг мақсади:	«Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили» мавзуси бўйича олинган билимларни ўқув топшириқларини бажариш жарёнида қўллаш бўйича кўникмаларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: • мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш; • мавзу бўйича билимларни онгли	Ўқув фаолиятининг натижалари: • ишлаб чиқариш харажатларини санаб берадилар ва уларга батафсил тавсиф берадилар; • харажатларни ҳисоблаш тартиби ва унинг элементларини тушунтириб берадилар; • маҳсулот таннархининг моҳиятини очиб берадилар ва уни ҳисоблаш усуллари санаб ўтадилар; • маҳсулот таннархини камайтиришнинг йўллари санаб берадилар; • ўқув топшириқларни натижалари бўйича тақдимот қиладилар;

<p>равишда ўзлаштирилишини таъминлайдиган мотивацияни яратиш учун ўқув топшириқларни шакллантириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> ● ўқув билимларини тизимлаштириш, таққослаш, умумлаштириш таҳлил этиш кўникмаларини ишлаб чиқиш; ● ўз қарашларини, ёндашувини шакллантириш ва баён қилиш жараёнини ташкил этиш; ● гуруҳларда ишлаш ва коммуникация кўникмаларини янада ривожлантириш. 	<ul style="list-style-type: none"> ● мустақил равишда умумлаштирувчи хулосалар қиладилар. ● гуруҳларда ишлаш ва коммуникация кўникмаларига эга бўладилар.
Ўқитиш усуллари	Сухбат, блиц-сўров, ўқув топшириқлар усули, тақдимот.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, фронтал, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, компьютер технологиялари, маркерлар, скотч, А3 форматдаги қоғоз, график органайзерлар, талаба ЎУМи
Ўқитиш шартлари	Гуруҳ бўлиб ишлашга мўлжалланган техник жиҳатдан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, ёзма назорат: савол ва топшириқларга жавоблар

«Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили» семинар машғулотининг технологик харитаси

Ишнинг босқичи, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар

тайёргарлик босқичи	<p>Мавзуни, таълим мақсадларини аниқлаштиради ва ўрганиш натижаларини режалаштиради.</p> <p>Қўйилган таълим мақсадларига мос келадиган билишга оид ўқув топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова).</p> <p>Гуруҳлар учун гуруҳ ичида самарали ишлашни таъминлайдиган ёзма йўл-йўриқларни тайёрлайди.</p>	
1 босқич Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Мавзуни эълон қилади, ўрганиш жараёнининг мақсади ва ундан кутилаётган натижалар таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди.</p> <p>1.2. Мазмунли жавобларни кўзда тутадиган саволларни бериш орқали талабалар билимини фаоллаштиради (2-илова).</p> <p>Билимларни фаоллаштириш жараёнида талабалар томонидан ўзлаштирилган билимнинг ўқув муаммосини ҳал этиш бўйича керакли материалларни излаш фаолияти учун етарли даражада эканлигини аниқлаштиради.</p>	<p>Эшитадилар</p> <p>Саволларга жавоб берадилар</p>
2 босқич Асосий (55 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув масалаларини ўртага ташлайди, талабалар билан уларни ҳал этишнинг йўллари ва кетма-кетлигини муҳокама қилади.</p> <p>Муҳокама сўнггида қандай натижа кутилаётганлигини тушунтиради.</p> <p>Гуруҳлардаги ҳамкорликдаги фаолият натижаларини тақдим этиш шаклларини тушунтиради. Ҳар бир талабанинг ва кичик гуруҳнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини тушунтириб ўтади (3-илова).</p> <p>2.2. Талабаларни кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга топшириқлар беради. Топшириқларни бажаришда қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш кераклигини тушунтириб беради.</p> <p>2.3. Гуруҳ бўлиб бажариладиган топшириқни бажариш бўйича йўриқномани доскага осиб қўяди ва уни талабалар билан муҳокама қилади.</p> <p>2.4. Гуруҳлардаги ишни ташкил қилади. Ўзи кузатувчилик қилиб боради. Лекин бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ишлаётган гуруҳларни назорат қилади, лекин уларни бошқармайди, йўналтирмайди; • Индивидуал ишлашга, аниқ топшириқни 	<p>Топшириқларни муҳокама қиладилар</p> <p>Ўқув материаллари, йўл-йўриқлар билан танишадилар</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар</p> <p>Гуруҳларда ишлашни режалаштирадилар. Саволлар ва топшириқларни гуруҳ ичида тақсимлайдилар. Уларни индивидуал ҳал қиладилар. Индивидуал натижаларни</p>

	<p>бажариш учун зарур бўладиган кўникмаларнинг шаклланишига эътибор қаратади. Берилган топшириқни бажаришдаги ишлар қай даражада бажарилганлигини билиш мақсадида: «Нима учун сиз бундай деб ўйлаяпсиз?», «Нима учун айнан шу усул?» каби очиқ саволларни бериб боради;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Талабалар ишларининг боришини шарҳлаб боради, уларга муваффақиятларининг даражасини баҳоловчи аниқ ахборотларни бериб боради. Аниқ танқидий мулоҳазалар бериб боради. <p>2.6. Тақдимотларнинг бошланишини эълон қилади. Гуруҳлардан қилинган ишлар ҳақида гапириб берувчи талабаларни белгилайди.</p> <p>2.7. Гуруҳлар ўртасида мавзу топшириқларини бажариш чоғида ўзлаштирилган билимларнинг ўзаро назоратини ташкил этади.</p>	<p>муҳокама қиладилар.</p> <p>Ўқув топшириғи бўйича гуруҳ бўлиб қилинган ишнинг умумий натижаларини шакллантирадилар ва уни тақдимотга тайёрлайдилар.</p> <p>Гуруҳ вакиллари иш натижалари билан таништирадилар. Ҳар бир гуруҳ натижаларни ўзаро текшириш мақсадида бошқа гуруҳларга саволлар тайёрлайди ва уларни беради.</p>
<p>3 босқич Яқунловчи (15 дақиқа)</p>	<p>3.1. Гуруҳлар ишларининг натижаларини таҳлил қилади.</p> <p>3.2. Топшириқларнинг бажарилиши натижаларини келтиради.</p> <p>3.3. Қўйилган мақсадга эришилганлик даражаси тўғрисида хулосалар қилади.</p> <p>3.4. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: «Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатларини режалаштиришда нималарни ҳисобга олиш зарур?» деган эссе ёзиш.</p>	<p>Эшитадилар</p>

1-илова (7.2)

Ўқув топшириқлари

1 -гуруҳ

1. Янги ишни бошламоқчи бўлиб, бизнесмен унга ўзининг 500 минг п.б.даги капиталини қуйди. Агару бу маблағни банкдан олганда эди, банкка йиллик 12% ҳисобидан тўлаши керак бўлар эди.

Бир йил фаолият юритгандан сўнг, бизнесмен ўз даромадини ҳисоблаётганда у умумий тушумдан аниқ бўлмаган (неявные) харажатларни чиқариб ташлайди. Улар қайси харажатлар?

2. Дастлаб «Келажак тонги» корхонасида уртача доимий харажат уртача умумий харажатларнинг 30 % ни ташкил қилар эди. Ишлаб чиқаришнинг харажатларига кура фойдалилиги (рентабеллиги) эса 40 % тенг эди. Инфляция жараёни натижасида уртача

2- гуруҳ

1. Хом ашё учун килинган харажатлар узгарувчан харажатларнинг 40 % ини ташкил килади. Битта маҳсулот ҳисобида хом ашёга кетган харажат 130 % га ошганидан кейин «Дилноза» савдо ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқариш ҳажмини узгартди. Бунда бошқа уртача узгарувчан ва доимий харажатлар узгармайди, уртача умумий харажатлар эса 233 сумга ортди. Агар бу узгаришгача битта маҳсулотга кетган уртача умумий харажат 500 сум, уртача доимий харажат эса 100 сумга тенг булса, фирма ишлаб чиқариш ҳажмини неча фоизга узгартиради?

2. Йил бошида «Б» корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг уртача доимий харажатлари 180 сум/донани ташкил қилар эди. Йилнинг охирида эса маҳсулот ишлаб чиқариш 20 %га қисқартирилди, доимий харажатлар аввалгича қолди, уртача узгарувчан харажатлар 5 % га ошди, уртача умумий харажатлар эса 60 сум/донага узгарди. Йил охирида «Б» корхонада уртача узгарувчан харажатлар нима тенг булади?

3 -гуруҳ

1. Утган йили «А» корхонада доимий харажатлар умумий харажатларнинг 25 %ини ташкил қилар эди. Бу йил эса уртача узгарувчан харажатлар 20 %, ўртача умумий харажатлар эса 10 % га ортди. Доимий ва ўзгарувчан харажатлар нисбати ўзгармайди. Ўртача доимий харажатлар қандай ва қанча фоизга ўзгарган.

2. А ва Б - булар фирмани иккита бўлимидир. А бўлими «А» маркали товарни қуйидаги иқтисодий тавсифномалар билан ишлаб чиқаради: тўғри моддий харажатлар - 6 минг сўм; иш ҳақи - 4 минг сўм; доимий харажатлар - 2 минг сўм; жами - 12 минг сўм. «А» маркали товари соф рақобат шароитида сотилапти: бозор нархи 16 минг сумга тенг. Бундан ташқари бу маҳсулот Б бўлимида сотилапти. Бозорда сотиш харажатлари битта маҳсулотга 2 минг сўм размерини талаб этади. «А» маркали маҳсулотга умумий талаб жуда юқори бўлган шароитда ва А бўлимининг ишлаб чиқариш қуввати тўлиқ юқлангани ҳолда, А бўлими «А» маркали маҳсулотини қандай нарх бўйича Б бўлимига сотиш керак?

Билимларни фаоллаштириш учун саволлар

1. Корхона ишлаб чиқариш харажатларининг қандай турларини биласиз?
2. Харажатларни мазмуни, таркиби ва турлари бўйича таснифлаганда қайси мезонларни ажратиб кўрсатиш мумкин?
3. Тижорат харажатлари нима, уларни қоплашнинг манбалари ва турлари нималардан иборат?
4. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли ишлаб чиқариш харажатлари нималарда фарк қилади?
5. Иқтисодий ва бухгалтерия харажатларининг фарқи нимада?
6. Фирманинг ички ва ташқи сарф-харажатлари нима?
7. Умумий, ўртача ва энг юксак харажатларни қандай тушунасиз?

3-илова (7.2)**Гуруҳлар ишини баҳолашнинг кўрсаткичлари ва мезонлари жадвали**

Гуруҳ	Жавобнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва тушунарлиги (1,0)	Тақдим этилган ахборотнинг кўргазмаллиги (0,5)	Гуруҳ ҳар бир аъзосининг фаоллиги (0,5)	Балларнинг умумий йиғиндиси	БАҲО
1					
2					
3					

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар ишини берилган мезонлар асосида баллар қўйиб баҳолаб боради. Гуруҳ томонидан олинган баҳо гуруҳ ҳар бир аъзосининг баҳосини белгилаб беради: 1,5 – 2 балл - «аъло»; 1,0 – 1,4 – «яхши»; 0,5 – 0,9 балл – «қониқарли»; 0,5 баллдан кам – «ёмон».

7.3. Семинар машғулотида таълим бериш технологиясининг модели

Талабалар сони: 15 – 25 гача	Вақт:-2 соат
Маишулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар
Семинар маишулот режаси	1.Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари. 2.Маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари. 3.Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йўллари.
Ўқув маишулотининг мақсади: ўқув мавзуси бўйича умумий тушунча бериш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.	
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"> • Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари таҳлилини тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; • Маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; • Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йўллари бўйича ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнларини ташкил қилиш. 	Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"> • Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари таҳлилини тизимли тушунтириб берадилар; • Маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари қўлланишини айтиб берадилар; • Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йўллари эритиб берадилар.
Таълим бериш усуллари	Мунозара, суҳбат,тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, гуруҳларда ишлаш: «кооп-кооп» техникаси
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

«Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили» семинар машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи	Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш топширқларини ишлаб чиқади (1-	Эшитадилар

	илова). Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун- ёзма йўриқномаларни тайёрлайди (2-илова). Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (3-илова).	
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)	1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилатган натижалар билан таништиради, уларнинг ахамиятлиги ва долзарблигини асослайди. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда блиц-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради (4-илова). 1.3. Иш гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилишини эълон қилади.	Саволларга жавоб берадилар.
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Талабаларни 3-та гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорлик асосида ишлаш усули қоидалари билан таништиради (2-3-илова). Ҳар бир гуруҳ мавзу режаси асосида тақдимот тайёрлашини айтади. 2.2. Ўқув мавзуси бўйича тайёрланган эксперт варақаларини тарқатади (1-илова). 2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Тақдимот материаллари мазмунан ва мантиқан тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Гуруҳларда сардорлар тақдимотини ташкиллаштиради. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатади, саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади. 2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди.	Гуруҳларга бўлинадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар. Фаол қатнашадилар, тақдимот учун материаллар тайёрлайдилар. Гуруҳдан сардор танлашади, унинг тақдимотида ҳамкорлик қиладилар. Саволларга жавоб берадилар. Тинглайдилар.
3–Якуний босқич (20 дақиқа)	3.1. Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради. 3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия этади.	Тинглайдилар.

Эксперт варағи № 1

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг мазмунини очиб беринг.

1. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Харажатларни ҳисоблаш тартиби ва унинг элементларини шарҳланг

Эксперт варағи № 2

Ички ва ташқи харажатларнинг моҳиятини тушунтиринг

1. Ички харажатларнинг асосини нима ташкил этади?
2. Ташқи харажатларнинг моҳиятини тавсифланг.

Эксперт варағи № 3

Маҳсулот таннархини ҳисоблаш усуллари ва уни пасайтириш йўллари эритиб беринг

1. Маҳсулот таннархни ҳисоблаш усуллари тавсифланг.
2. Маҳсулот таннархни камайтиришнинг асосий йўллари кўрсатинг.

(жадвал кўринишида тақдим этинг / таркибий-мантиқий схема кўринишида / кластер ва бошқа шу кабилар кўринишида).

«БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» ТЕХНИКАСИ

Биргаликда ўқиш: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади. Ҳар бир гуруҳнинг мақсади бошқа барча гуруҳлар иштирокчилари мавзу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

*«Биргаликда ўқиёмиз» техникасидан фойдаланган
ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиши жараёнининг тузилиши*

1. Билим даражасига қараб 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил турдаги гуруҳлар тузилади.



2. Ҳар бир гуруҳга *битта* топшириқ берилади – умумий мавзунинг бир қисми, унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда таянчлар – **эксперт варақлари** – тақдим этилади.



3. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.



4. Ҳамма якка тартибдаги топшириқни бажаради.

7.3)

Мезонлар	Макс. балл	Гуруҳ натижаларини баҳолаш					
		1	2	3	4	5	6

Гуруҳларда ишлаш қондаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

7.3)

1. Ишлаб чиқариш харажатларни ҳисоблашда қандай элементларига асосланади?
2. Маҳсулот таннархи деганда нимани тушунасизлар?
3. Маҳсулот таннархи қандай усуллари асосида ҳисобланади?
4. Ички ва ташқи ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида гапириб беринг.
5. Маҳсулот таннархини камайтириш йўллари нималардан иборат?

ХУЛОСА.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Ўзбекистонда ҳам молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқироzi оқибатларининг

олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Маҳсулот таннархини ҳисоблашда фақат шу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади. Маҳсулотни сотиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ умумкорхона харажатлари маҳсулот таннархига киритилмай давр харажатлари ҳисобига киритилади.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган ҳамда бугунги кундаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi кечаётган бир шароитда мамлакатда рақобатбардош маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун мамлакатда истеъмолчилар эҳтиёжини қондира оладиган арзон ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш лозимдир. Бунда асосий кўриладиган масалардан бири маҳсулот таннархини ўрганиб уни имкон қадар пасайтиришдан иборат.

Маҳсулот таннархи – шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган барча бевосита ва билвосита харажатларнинг қиймат ифодасидир. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархи – маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий воситалар, меҳнат ресурслари, ва бошқа харажатларнинг қиймат баҳоси.

Корхоналарда маҳсулот таннархи ҳисоби Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМга мувофиқ амалга оширилади.

Маҳсулот таннархини аниқлашда ҳисоблаш объектларини билиш муҳимдир. Унга қилинган харажатларни алоҳида ҳисобга олиш мумкин бўлмаганлигидан, умумий ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш объектлари бўйича тўғри тақсимлаш муҳимдир.

Иқтисодий ҳисоб-китобларда маҳсулот таннархини режалаштириш ва ҳисоблашда харажатларни ҳисоблаш моддалари бўйича гуруҳлаш қабул қилинган. Кейинги йилларда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган ресурслар ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари иш ва хизматлари нархларининг тез суръатлар билан ошиб борганлиги маҳсулотлар таннархининг ҳам қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бу вазият аксарият ҳолларда кичик тадбиркорлик корхоналари етиштираётган маҳсулотларни зарар билан сотишига сабаб бўлади. Шунинг учун кучли рақобатга асосланган муносабатлари шароитида кичик тадбиркорлик корхоналари олдида маҳсулот таннархини ҳар томонлама пасайтириш йўллари излаб топиш вазифаси туради.

Мустақил Ўзбекистон республикасини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш амалга оширилаётган ҳозирги шароитда содир бўлаётган туб иқтисодий ислохотларни, бозор иқтисодиётига ўтиш қонуниятларини билишни тақозо қилмоқда. Иқтисодий қонунларнинг талаблари ва амал қилиш хусусиятлари билан ҳисоблашмай туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди. Иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни билишда иқтисодий фанларнинг аҳамиятли роли ўсиб бормоқда. Чунки улар жамиятнинг манбасини, ишлаб чиқариш сир – асрорларини, иқтисодий қонуниятлар ва категорияларнинг туб моҳиятларини очиб беради.

Ҳозирги кунда ҳар бир жамият аъзосининг олдида иқтисодиёт қонуниятлари, уларнинг Ўзбекистон республикасида қандай амалга оширилаётганини, бу қонуниятларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни, пировард натижада талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг сирларини билиб олиш каби вазифалар турибди.

Ўзбекистон республикасининг келажакда буюк давлат бўлиши кўп жиҳатдан ҳозирги кунда таълим – тарбия олаётган ёшларга боғлиқ. Улар онгига

хамма хилдаги тарбияни сингдириш билан бир қаторда, иқтисодий тарбияни кўшиб олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув жараёни самарадорлигини ошириш вазифасини бажаришга киришишдан олдин нафақат анъанавий педагогик усуллардан фойдаланиб дарсни ташкил этиш, балки дунё тажрибасига ҳам назар ташлаш, улардан ўзимизга мақбуллари олиб, миллий педагогикамизга мослаштириш орқали дарсларни янада қизиқарли ўтиш, талабаларни мустақил ўқув жараёнига жалб этиш, уларнинг ўзаро ҳамкорликда ўқишларини таъминлаш, талабаларда команда бўлиб ишлай билиш қобилиятини ривожлантириш, рақобатбардош гуруҳдан фақатгина ўз билимлари ва гуруҳ аъзоларининг ўзаро аҳиллиги ва маданиятлиги билангина ғолиб чиқишлари мумкинлигини уқтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. - Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 26 январь.

2. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

3. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

4. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

6. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

13. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

14. O'zbekiston Respublikasining «Buxgalteriya hisobi to'g'risida»gi Qonuni. T. «Xalq so'zi» gazetasi, 1996.

15. Bobojonov O.U Moliyaviy hisob. Moliyaviy hisob. T., «Mehnat»,

16. Rizqulov A.A. Ibroxim A.K. Hasanov B.A., Usanov A.U., Mamatov Z.T. Buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari. I-III tom. TMU, 1994.

17. Sotivoldiev. A. Itkin YU. Zamonaviy buxgalteriya hisobi. (YAngi schyotlar asosida), Pb va AA-2002, 1-2 tom.

18. G'ulomova F. Buxgalteriya hisobidan mustaqil o'rganish uchun qo'llanma. T «Mehnat» 2001.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

ИЛОВАЛАР

...мамлакатимизда жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

И.А.Каримов

Инқирозга
қарши чоралар
дастурининг
мақсади



Жаҳон иқтисодий инқирозининг тобора кучайиб бораётган салбий оқибатларини ҳис этган ҳолда иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, жаҳон иқтисодий инқироzi оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш

Дастурнинг вазифалари

корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш.

экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш

қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш

электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш .

ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш

Дастурда белгиланган вазифалар ижроси

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари

Импорт қилинадиган ресурслар нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш

Материаллар сарфи нормаларини пасайтириш


Локализация даражасини ошириш

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш

Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларни консервация қилиш

Маъмурий бошқарув ҳолидлари соғини исқартириш

Энергия ресурслари ва коммунал хизматларга нархларнинг ўзгариши



... тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди.

И.А.Каримов